O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. 14

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 5 октябрь жума
Сотувда эркин нархда
№ 204 (2766)

*Поп туманидаги «Найман» ширкат хўжалигида пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Айниқса, моддий манфаатдорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бермоқда. Ҳар куни йиллик режанинг 1,5-2 фоизи миқдорида «оқ олтин» тайёрланмоқда. Бу ишда чевар теримчиларнинг алоҳида ҳиссалари бор. Уларнинг ҳар бири кунига 60-70 килограммдан пахта териб, улкан хирмонга барака киритмоқда.*



**СУРАТДА:** илғор теримчи Ҳурматой Умарова.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.

## Ижодий гуруҳлар сафарда

Турли мафкуравий таҳдидлар, жумладан, «XXI аср вабоси» деб ном олган террорчилик балоси Ватан қадрини билмаганларни ўз домига тортиб, дунёни ларзага солаётган бир пайтда ҳамюртларимиз, айниқса, ёш авлод қалбига ва онгига миллий истиқлол ғояларини янада чуқурроқ сингдириш, уларни Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу мақсадда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан олий ўқув юртларининг малакали профессор-ўқитувчилардан иборат махсус сайёр ижодий гуруҳлар тузилди. Айни кунларда мазкур гуруҳлар вакиллари мамлакатимизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида давра суҳбатлари уюштириб, мустақилликнинг ўтган ўн йили мобайнида халқимиз эришган ютуқларни тарғиб ва ташвиқ этиш билан машғул.

— Халқимиз асрлар давомида орзу этган озодлик, мустақилликнинг қадрига етиш учун, аввало, бу буюк тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини, тарихий аҳамиятини теран англаш керак, — дейди Тошкент давлат техника университети маънавий ишлар бўйича проректори Улуғбек Ҳайитов. — Бу борада университетимизда тузилган ижодий сайёр гуруҳ томонидан Тошкент вилояти туманларида аҳоли ва ёшлар ўртасида қизиқарли учрашувлар ташкил этилаётгани жуда хайрли иш бўлди.

Жойларда ўтказилаётган бундай маънавий-маърифий тадбирларда «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» видеофильми ва «Асрларга тенг йиллар» рангли плакатларининг намойиш этилаётгани, шунингдек, она-юрт ва истиқлолга бағишланган кўплаб китоблар меҳнат жамоалари ҳамда мактабларга тақдим этилаётгани ҳам ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Хабарлар оқимидан*

## «Етти гўзал» пахтазорда

Бугун пойтахт вилоятининг қай бир хўжалигига борманг, пахтакорга мададкор бўлаётган санъаткорларни учратасиз. Куни кеча «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасининг «Етти гўзал» дастаси вилоят бўйлаб ижодий сафарга чиқди. Улар ҳозирга қадар Бекобод туманининг «Дўстлик», Бўка туманининг F. Азаматов, Пскент туманининг «Қирққизобод» хўжаликлари пахтакорлари ҳузурида бўлдилар.

## Чўпоннинг ўз ширинлиги

Тахтакўпир туманидаги қўйчиликка ихтисослаштирилган «Мулк» ширкат хўжалигида қандолат пишириш шохобчаси иш бошлади. Дастлабки 3 тонна конфет, турли ширинликлар олис яйлов заҳматкашларига жўнатилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

**Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати, транспорт ва алоқа мажмуининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида тўққиз ойлик иш фаолияти якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.**

Мажлисда мажмуа тасарруфидаги идора ва ташкилотларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, куз-қиш даврига тайёргарлик ва инвестиция дастурларининг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошқарди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан мазкур мажмуа котибияти мудири О.Алихўжаев, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти гуруҳ раҳбари Ф.Мақсудов, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги директори Ў.Холмуҳаммедов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси кўп жиҳатдан мажмуа таркибидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятига ҳамда уларнинг иш унумдорлигига ҳам боғлиқдир. Шу боис асосий эътибор қурилиш, транспорт ва алоқа тизимларида, коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хорижий сармояларни кенг жалб этиш ва улардан оқилона фойдаланиш зарурлигига қаратилди. Иқтисодиёт тармоқларини қиш мавсумига пухта тайёрлаш, айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда аҳоли турар жойларини газ, сув, электр энергияси ва иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш долзарб вазифа эканлиги қайд этилди.

Мажлисда бу борада жойларда йиғилиб қолган муаммо ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан аниқ ҳисоб-китоб назоратини юритиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

**(ЎзА).**

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ МУҲИМ ЯНГИЛИК

**Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга қаратилган бир нечта қонунлар қабул қилинди. Жумладан, "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун жорий йилнинг 19 сентябрида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.**

— Қимматли қоғозлар савдоси ривожлангани сайин иқтисодиётдаги молиявий жараёнлар жадаллашади, — дейди Республика фонд биржаси раиси Тоҳир Тўхтабоев. — Бу эса мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига жуда мосдир. Айни пайтда у кичик ва ўрта тадбиркорликни шакллантиришга, аҳоли учун янги иш ўринлари ташкил этишга кенг имконият яратади. Бўш турган маблағларни, чет эл инвесторларининг сармояларини ички бозорга жалб этиш бугунги кундаги долзарб масаладир. Ана шу устувор вазифаларни амалга оширишда, аввало, инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий кафолат зарур. Шу жиҳатдан мазкур Қонуннинг қабул қилиниши айни муддао бўлди.

Қонуннинг бу йўналишда илгари мавжуд бўлган қонун ҳужжатларидан фарқли ва афзал жиҳати шундаки, унда томонлар ҳуқуқларининг изчиллиги тўла таъминланган. Шунингдек, сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик масалаларининг кўзда тутилгани ҳам диққатга лойиқдир.

Айтиш жоизки, ушбу Қонун инвесторларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга нарх белгилашга оид асосий ҳуқуқларини кафолатлайди. Қонунга кўра, сармоядорлар қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича мустақил қарор қабул қилиши, инвестиция киритишнинг хатарлилик даражасини аниқлаши ҳамда фонд бозорида хизмат кўрсатувчи инвестицион институтнинг зарур ахборотлар рўйхатини эркин танлаб олиши мумкин.

Бундан ташқари, Қонунда эмитентлар, инвестицион институтлар, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органининг мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш меъёрлари ҳам кўрсатилган.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар томонлама мукаммал ва пухта ишлаб чиқилган янги Қонун талабларининг изчил бажарилиши иқтисодиётимизнинг янада равнақ топишига катта ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

**Меҳри БОЛЛИЕВА.**
**(ЎзА).**

*Бизнинг шарҳ*

## XXI АСР ВАБОСИ

Куни кеча АҚШнинг «Си-Эн-Эн» телекомпанияси 11 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳридаги Жаҳон Савдо марказида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракати, мислсиз аланга ичида қолган одамларнинг ёрдам сўраб қилган сўнгги илтижоларини намойиш этди. Ногаҳоний тажовуз қурбони бўлган бегуноҳ жабрдийдалар охирги нафасларига қадар ҳаётдан умидвор бўлишган. Лекин улар ҳали қандай бало-қазога гирифтор этилганликларини англаб етмасдан туриб, 415 метр узунликдаги 110 қаватли бино тутдек тўкилиб тушган...

### Ногаҳоний тажовузнинг минглаб қурбонлари

Қиёмат қойимдек даҳшатли бу фожиа содир этилганига ҳам бир ойча бўлиб қолди. Эндиликда жаҳон матбуоти халқаро терроризм инсоният бошига мислсиз кулфатлар ёғдираётгани ҳақида ташвишланиб ёзмоқда. Ҳолбуки, бу ёвуз куч куни кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Унинг илдизлари ўтган асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, минг афсуски, терроризм қурбони бўлаётган бегуноҳ инсонлар сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири — бу қора куч ёвузлик содир этганида, одамларнинг тинчлигига, осойишталигига, ҳаётига тажовуз қилганида бошқаларнинг ўз тинчини ўйлаши, кузатувчи сифатида томошабин бўлиб қараб туриши, лоқайдлиги ва бепарволиги билан изоҳланади.

Бунинг бир тасдиғи сифатида Америка Қўшма Штатларида олти мингга яқин одамнинг қабоҳат қурбони бўлганини таъкидлаш мумкин.

Қамчиқ довонидаги асосий ер ости йўллари очилиши маросимида журналистлар террорчилик ҳақида гап очишганда, Президент Ислом Каримов биргина инсоннинг қурбон бўлиши ҳам мислсиз йўқотиш эканини бежиз алоҳида уқтирган эмас, албатта.

Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейди халқимиз.

Шу маънода ҳамюртларимиз халқаро террорчилик нима эканини жуда яхши биладилар. Президент ҳаётига суиқасд қилиш, амалдаги конституцион тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни босиб олиш мақсадида 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир этилган мудҳиш портлатишлар қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлди, юракларда ҳеч битмас-туганмас жароҳатлар қолдирди. Ўзбекистон ва Қирғизистон сарҳадларига уюштирилган қонли босқинлар, тинч аҳоли ҳаёти ва минтақадаги хавфсизликка таҳдид қилган тажовузлар, террорчиларга қарши курашда фидо бўлган қаҳрамон ўғлонлар хотираси ҳеч вақт ёдимиздан чиқмайди. Шунинг учун ҳам биз терроризм қурбони бўлган ҳар бир одамнинг, жумладан, америкалик биродарларимизнинг дарду ситамларини кўнглимизга жуда яқин оламиз. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари нуфузли халқаро минбарларда жаҳон ҳамжамиятини огоҳликка ундаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида антитеррористик марказ ташкил этишга, инсон ҳуқуқларини поймол этувчи бу бало-қазога қарши биргаликда курашишга муттасил даъват этиб келади.

### Биргина инсоннинг қурбон бўлиши ҳам мислсиз йўқотишдир

БМТ Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити»да Президент Ислом Каримов: **«Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қулай йўлларга — коридорларга айланмоқда.**

**Шу биргина мисолда замонамиз воқелигининг икки мудҳиш ҳодисаси — халқаро террорчилик ва наркобизнес ўзаро чирмашиб бораётганини кўришимиз мумкин»,** — деб бежиз таъкидлаган эмас, албатта. Бир-бири билан чирмашиб кетган мана шу икки офат бугунги кунда ер юзидаги ҳар бир оиланинг, ҳар бир инсоннинг ҳаётига, келажагига хавфу хатар туғдирмоқда. Бундай қабоҳат ўчоқларининг бизга ён қўшни бўлган Афғонистон заминида қарор топиши эса янада ташвишланарлидир.

Бугун Афғонистонда ҳукм сураётган вазиятни айтмасак ҳам, кундай равшан. Мамлакат мислсиз бўҳрон ва инқирозга юз тутган, қарийб йигирма йил узлуксиз давом этаётган шафқатсиз уруш ҳаммаёқни вайрон қилиб ташлаган, одамлар осойиши ва тинчини йўқотган. Жиноят содир этиб, дорнинг тагидан қочганлар келиб шу ерга уя қўйишган. Энг даҳшатлиси, уларнинг эмин-эркин, жиноий фаолиятини яна давом эттириши, ҳатто янада кенгайтириши ва шакллантириши учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти «Толибон»нинг бу хатти-ҳаракатига салбий муносабатини очиқ айтмоқда. «Толибон» ҳукуматини бир вақтлар тан олган Саудия Арабистони билан Бирлашган Араб Амирликлари улар билан ўз алоқаларини тамомила уздилар ва «Толибон» вакилларини ўз мамлакатлари ҳудудидан зудлик билан чиқариб юбордилар. Ер юзидаги бошқа мусулмон мамлакатлари ҳам Ислом дини ниқоби остида содир этилаётган қабоҳатнинг мўътабар динимизга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини таъкидлаб, халқаро терроризмга қарши курашда якдил эканликларини билдиришмоқда.

Нимага деганда, халқаро террорчилик бугунги кунга келиб, ер юзидаги умумий тинчлик ва осойишталикка, барқарорликка, тараққиётга рўй-рост таҳдид солаётир, шундай бўлгач, унга қарши курашдан четда туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, албатта.

Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **«Асримиз вабоси бўлмиш бу жирканч иллатнинг фақат шафқатсиз кўринишларини эмас, балки илдизларига етиб бориб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни таг-томири билан суғуриб ташлаш — барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак. Бу йўлда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб боришимиз шарт».**

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти бутун диққат-эътиборини минтақамизга, теварак-атрофимизда содир этилаётган воқеаларга қаратгани ҳам айни ҳақиқатдир. Баъзи бир мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари ҳаттоки Ўзбекистон урушга тайёрланаяпти, афғон халқини қириб юбориш хавфи туғилмоқда, қабилидаги турли хил уйдирмаларни ҳам ошкора тарқатмоқда.

### Уйдирма ва ҳақиқат

Албатта, ҳар қандай уйдирма ортида ўша давлатнинг ғаразли манфаатлари ётган бўлади. Лекин кўп жафоларни ўз бошидан кечирган халқимиз оқ билан қорани жуда яхши ажратади. Гарчи шундай бўлса-да, бир ҳақиқатни таъкидлаш керакки, ҳозир ер юзида бирон-бир халқ жафокаш афғон халқига ёмонлик соғиниб тургани йўқ. Айниқса, Ўзбекистон халқи ҳар қандай вазиятда ҳам ён қўшни бўлган афғон биродарларимиз билан яқин қўшничилик ва ҳамкорлик қилиб, қувончу ташвишларига шерик бўлиб келади. Керак бўлса, ўзининг беғараз ёрдамини ҳам аямайди. «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган ҳикмат халқимизнинг доимий шиоридир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон ўз истиқлолининг биринчи кунларидан тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни ўзига байроқ қилиб олган. Мамлакатимиздаги улкан қурилишлар, бекиёс ўзгаришлар тинчлик ва осойишталик туфайли эканини етти ёшдан етмиш ёшгача яхши билади. Шу боис тинчликни ер юзидаги энг улуғ неъмат, дея қадрлайди. Ўз тинчлигини кўз қорачиғидек асраган, ўз келажагини тинчликда, осойишталикда, бунёдкорликда кўрган халқ эса, табиийки, уруш билан ҳам, террорчилик, вайронкорлик билан ҳам ҳеч вақт чиқиша олмайди.

**Ғаффор БОЗОРОВ.**

## АВСТРИЯ — ҒАРБ ДАРВОЗАСИ

**Пурвиқор Алп тоғлари этагида жойлашган Австрия ўзининг бетакрор табиати, бой маданияти, қудратли иқтисодиёти ва халқаро сиёсат майдонидаги катта нуфузи билан Европа давлатлари орасида алоҳида ўрин тутади. Унинг Ўзбекистон билан муносабатлари жуда кенг қамровлидир. Хусусан, Австрия мамлакатимизни ўзининг Марказий Осиёдаги асосий савдо шериги, деб билади. Шу билан бирга, икки мамлакатнинг ижтимоий соҳадаги ҳамкорлиги муттасил ривожланиб бормоқда.**

Айниқса, илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалар тобора тараққий этаяпти. Австрия раҳбарияти Ўзбекистонда ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини юксак баҳолайди — шу кунгача илм даргоҳларимиз ва талабаларимиз учун кўплаб грант ҳамда стипендиялар ажратган. Ана шундай беғараз ёрдамлар ҳисобидан Жаҳон тиллари университетида махсус мутолаа зали очилди, ўқитувчиларимиз Австрияда турли семинарларда қатнашяпти, у ёқдан эса юртимизга немис тили бўйича мутахассислар келиб ишламоқдалар.

Ўзбекистон билан Австриянинг сиёсий жабҳалардаги ҳамкорлиги ғоят самарали бўлмоқда. Ўтган йилнинг ўзида мамлакатларимиз ўртасида тўртта ҳужжат — сармояларни ҳимоялаш, икки томонлама соликдан сақланиш, ҳаво алоқаси ҳамда сув заҳираларидан фойдаланишда ҳамкорлик борасидаги битимлар имзоланди. Умуман эса, муносабатларимизга Президент Ислом Каримовнинг 1992 йил сентябрда Венага бўюрган ташрифи чоғида қабул қилинган ҳужжатлар пойдевор бўлган.

Ўзбекистон билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузган Европа Иттифоқининг фаол аъзоларидан бири ҳисобланадиган Австрия ўтган йили ушбу тузилмага раислик қилди. Бу давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ҳам икки, ҳам кўп томонлама ривожланди. Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер икки марта Ўзбекистонда бўлди. Бу сиёсий мулоқотларнинг натижаси ўлароқ, Тошкентда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: Наркотиклар, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга баҳамжиҳат ёндашув» мавзуида халқаро конференция ташкил этилди.

Алоқалардаги бундай яқинликни Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган тинчликпарварлик сиёсати Австрияда ҳам яққол кўзга ташланиши билан изоҳлаш мумкин. Мамлакатларимизнинг кўплаб халқаро ва минтақавий масалаларга муносабати бир хил ёки яқин. Ана шу сиёсий ҳамжиҳатлик иқтисодий соҳадаги ҳамкорликка кенг йўл очмоқда. Австрия Ўзбекистонни Марказий Осиё дарвозаси, деб билса, Ўзбекистон Австрияни Европа ва умуман Ғарб дунёсига кирадиган дарвозалардан бири, деб ҳисоблайди. Бинобарин, икки мамлакат муносабатларининг тобора қалинлашаётгани сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий алоқаларни янада бойитиши шубҳасиздир.

**(ЎзА).**

*Сўнгги соатда*

## Россия самолёти ҳалокати

Пайшанба куни Тель-Авивдан Новосибирскка учган Россиянинг «ТУ-154» самолёти Қора денгиз устида ҳалокатга учради. Лайнер 10 километр баландликдан қулаган. Сўнгги маълумотларга қараганда, 77 нафар йўловчи ва экипаж аъзолари қурбон бўлишган. Россия қутқарув хизмати денгизда сузиб юрган бўлаклардан самолёт қулаган жойни аниқлади.

*Фармонни ўқиб...*

# МИЛЛИЙ ТЕАТР

## Ўзбек Миллий академик драма театри ўзининг 87-мавсумини янги замонавий бинода бошлади



Президентимиз Ислом Каримов янги бинонинг очилиши маросимида сўзлаган нутқида шу пайтгача саҳна санъаткорлари ва театршунос олимлар орасида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона мунозараларга сабаб бўлиб келган кўпгина масалаларга ойдинлик киритди. Гап шундаки, академик драма театрининг ташкил бўлган йили турлича олинар, ҳар ким буни ўзича асослашга ҳаракат қиларди. Ҳолбуки, театр ўз фаолиятини, Юртбошимиз тўғри кўрсатганидек, 1914 йил 27 февраль куни Тошкент шаҳридаги «Колизей» биносида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасини саҳналаштириш билан бошлаган. Бунда чиндан-да Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори каби маърифатпарвар зиёлиларнинг хизматлари катта.

«Турон» номи берилган мазкур театр труппаси Абдулла Авлоний раҳбарлигида изчил ишлай бошлайди. 1915 йилнинг бошида труппа «Падаркуш», «Тўй», «Истанбул», «Бадбахт келин» спектакллари билан Фарғона водийси бўйлаб гастроль сафарида бўлади ва янги шаклдаги театр санъатини кенг тарғиб қилади. Гастролдан қайтгач, театр Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Заҳарли ҳаёт», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» драмалари, Абдулла Авлонийнинг «Финак» ва «Адвокатлик осонми?» комедияларини саҳналаштириб, ўз малакаси, тажрибасини мустаҳкамлайди. Низомиддин Хўжаев режиссёр сифатида кўзга ташланади. Бир қатор таржима асарлар қўйилади.

1916 йили труппага Маннон Мажидов (Уйғур), Ғулом Зафарий, Хуршид, хотин-қизлардан Дуррияхоним, Маъсума Саъдия ва бошқалар келиб қўшилади. Улар янги йил арафасида атоқли озарбайжон санъаткори Сидқий Рухулло саҳналаштирган Узеир Ҳожибековнинг «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмасида қатнашганлар. Абдулла Авлоний давлат ишларига ўтиб кетгач, театрга Маннон Уйғур раҳбарлик қилади. 1918 йилда у вақтинча тўхтаб қолган театрни яна «Турон» номи билан қайта тиклайди. 1920 йилда театрга Ўзбек Давлат намуна труппаси мақоми берилади. Шу йиллардан бошлаб то умрининг охиригача (1955 йил) Маннон Уйғур театрда бадиий раҳбар, актёр ва режиссёр бўлиб ишлаб келар экан, театрнинг профессионаллашувида, малакали актёрлар, режиссёрларни тарбиялаб етиштиришда, томошабинларни наинки миллий, балки Шиллернинг «Макр ва муҳаббат», Шекспирнинг «Ҳамлет» ва «Отелло» трагедиялари каби мумтоз асарлари билан таништиришда ҳам улуғ ишлар қилди.

1914-1950 йилларда элу юртга танилиб, академик унвонига сазовор бўлиб, профессионал йўлга тушиб олган мазкур театрда барқарор анъаналар ўрнатилган эди. Шундан кейинги ярим асрлик фаолиятда ушбу ҳаётбахш ижодий анъаналар саҳна ижодкорларининг бир неча авлоди томонидан қўлма-қўл қилиб давом эттирилиб, ривожлантирилиб келинди. Ниҳоят, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида театрнинг янги даври бошланди. У чинакам ижодий эркинликка эга бўлди. Санъаткорлар Президентимиз раҳбарлигида қисқа вақт ичида қуриб битказилган муҳташам бинода ижод қилишдек бахтга сазовор бўлдилар.

Бу кун, Тошкентда, Хадра майдонида фаолият кўрсатаётган академик драма театри 1914 йил бошидан узлуксиз саҳна санъатини намоён этиб келаётган, элу юрт маънавий ҳаётида катта из қолдирган отахон театрдир. Юртбошимиз ўз нутқида академик драма театрини **«ўзбек маданиятимиз кўзгуси», «маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисми»** деб таърифлаши ҳам бежиз эмас. Мамлакатимиздаги бирон бир театр ўз ёши, фаолияти, маънавий ҳаётдаги ўрни билан бу даражага эришмаган. Шу боисдан Президентнинг: **«Миллий руҳ ва қиёфада қайта тикланган ушбу театримизни бундан буён Ўзбек Миллий академик драма театри деб атасак, нима дейсизлар?»** — деб янги бинонинг очилиши маросимида йиғилганларга мурожаат қилиши айни муддао бўлди. Бу гапни ҳамма гулдурос қарсаклар билан маъқуллади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 сентябрда чиқарилган «Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақомини бериш тўғрисида»ги Фармони билан бу фикр қонун тусига кирди. Бир томондан пурviқор бино, иккинчи томондан миллий театр мақоми. Санъаткор учун бундан ортиқ қандай бахт бўлиши мумкин! Не-не улуғ зотлар шундай кунни, шундай бахтни орзу қилиб ўтмаган дейсиз.

Мазкур Фармонда Ўзбек Миллий академик драма театрининг вазифалари янада аниқ қилиб белгиланди. Ҳар бандда ифода қилинган вазифаларнинг ўзи бир жаҳон маънога эга. Чунончи, унда миллий маънавий мерос ва қадриятларни ўзлаштиришни давом эттириш, саҳна санъатида мавжуд анъаналарни янги талаблар асосида бойитиш ва ривожлантириш, илғор саҳнавий услубларни миллий руҳ билан уйғунлаштириш, миллий театрнинг жаҳонга чиқиши, нуфузли театрлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши масаласи қўйилади.

Бундай катта масъулият, ақл-идрок талаб этувчи вазифаларни бажариш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, аввало, миллий театр жамоаси ушбу вазифаларни чуқур англаб олиши, шунга яраша яқин ва узоқ муддатда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни аниқ белгилаб чиқиши ҳамда дадил амалий ишга киришиши зарур.

Назаримда, ишни театр репертуарини ўрганишдан бошлаган маъқул. Репертуарда юқори талабларга жавоб берадиган саҳна асарлари бор, албатта. Мустақиллик йилларида узоқ ва яқин тарихдан ҳикоя қилувчи саҳна асарлари катта ўрин тутганини кўриб қувонасиз. Айни чоғда театр комедия жанрига ҳам алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Аммо замонавий воқеликни жиддий йўналишда ёритувчи, шу куннинг қаҳрамони сиймосини гавдалантирувчи асарларнинг кўринмаслиги кишини ўйлантиради. Комедиялар орасида ҳам сатирик асарлар йўқ. Мумтоз драматургия намуналарига ҳам эътибор етарли эмас.

Жамиятимиз, халқимиз ҳаётидаги долзарб мавзуларни ёритувчи, замонамиз қаҳрамони образини гавдалантирувчи баркамол асарлар яратиш кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Миллий театр бу учун малакали ёзувчиларни жалб этиб, улар билан муайян мавзулар бўйича асар ёзиш хусусида шартномалар тузиши зарур кўринади. Балки бу ишни драматургга маълум режиссёрни бириктириб қўйиш, режадан тортиб то асарга охирги нуқта қўйилишигача бўлган жараённинг ҳамкорликда ўтишини таъминлаш ҳам фойдадан холи бўлмас.

Миллий театр истеъдодли, кенг қиррали, салоҳиятли актёрлар таркибига эга. Аммо улар орасида енгил-елпи ижод қилиш, лоқайдлик, бир йўналишдаги образларга мослашиш кайфияти ҳам йўқ эмас. Шунинг натижасида яхши савияда саҳналаштирилган спектакллар ҳам бир муддатдан кейин таниб бўлмас даражага тушиб қолади.

Энг катта камчилик — кўп йиллардан бери театрда унинг ижодий стратегиясини белгиловчи бадиий раҳбар бўлмаслигидир. Ҳолбуки, мавзу ва жанрлар мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда репертуарни тузиш, янги асарларни саҳналаштириш, миллий ўзига хосликни кучайтириш, труппани шакллантириш, актёрларнинг яширин салоҳияти, имкониятларининг очилишига кўмаклашиш ҳар қандай театрнинг бадиий раҳбарига боғлиқ вазифалардир. Бинобарин, бадиий раҳбар масаласини ҳал қилиш, театрда режиссёрлар кенгашини тузиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек Миллий академик драма театри муҳташам бино ва бошқа барча шарт-шароитларга эга. Шу даргоҳдаги саҳна ижодкорларининг бўй-бастига муносиб драма асарлари яратишга қодир ёзувчиларимиз ҳам бор. Ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз санъаткорларга муттасил ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Модомики шундай экан, тез орада Миллий театримиз бунёдкор халқимизга муносиб саҳна асарлари яратишига ишонамиз.

**Муҳсин ҚОДИРОВ,**
**санъатшунослик доктори, профессор.**

---

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АВСТРАЛИЯГА ЎХШАЙДИ(МИ?)

## *Нукусда Оролбўйи ҳудудига ёрдам кўрсатаётган хорижий донорларнинг анжумани ўтказилди*

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С. Сафоев бошқарган йиғилишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, ЮНИСЕФ, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, АҚШ, Италия, Швейцария элчихоналари вакиллари, Оролбўйида иш олиб бораётган халқаро пудратчи ташкилотлар етакчилари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти раҳбарлари, шаҳарлар ҳамда туманлар ҳокимлари қатнашдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков сўзга чиқиб, вужудга келган қийин экологик вазиятда Оролбўйи ҳудудига ёрдам қўлини чўзган халқаро ташкилотларга самимий миннадорчилик билдирди. Қайд қилиндики, Ўзбекистон ҳукумати бу ердаги экологик вазиятни юмшатиш, сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш юзасидан амалий чоралар кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев хорижлик меҳмонларга ҳудудда амалга оширилган ишлар тўғрисида сўзлаб берди. Қорақолпоғистон Республикасида 97 километрлик, Хоразм вилоятида 161 километрлик ичимлик сув қувурлари фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, Туямўйин—Нукус—Тахтакўпир ичимлик сув қувури воҳани тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъмин этиш қувватига эга бўлган Капарат сув омбори манбалари билан туташтирилди. Мўйноқ тумани иқтисодий-ижтимоий ҳаётида туб бурилиш ясайдиган «Қўнғирот—Мўйноқ» ичимлик сув қувури қурилиши бошланди. Аҳолига ижтимоий ёрдам бериш, ирригация ҳамда мелиорация шохобчаларини таъмирлаш, хўжалик юритувчи субъектларни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича анча иш қилинди. Биргина Қорақалпоғистон Республикасида 6336 та янги иш ўрни яратилди. Деҳқон хўжаликлари 185 миллион сўмлик, қишлоқ хўжалик корхоналари 681 миллион сўмлик ер солиғидан озод этилди. Хўжаликлар ҳамда хусусий шахсларга катта миқдорда кредитлар ажратилди. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, вазирлик ҳамда концернлари ҳудудни доимий равишда қўллаб-қувватлаб турибди. Айни пайтда Жаҳон ҳамжамиятининг Оролбўйига бераётган ёрдами салмоқли бўлмоқда. Йиғинда сўзга чиққан хорижлик донорлар шу ҳақда тўхталдилар.

**Ричард КОНРОЙ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили:**

— Бугун жорий йилдаги учинчи мулоқотимизга йиғилдик. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бевосита экологик ҳалокат юз бераётган жойда, ҳақиқий аҳвол билан танишган ҳолда фикрлашмоқдамиз. Мен Қорақалпоғистон билан танишганимда бир нарсага мамнуният билан амин бўлдимки, бу ер бизнинг Австралияга жуда ўхшар экан. Биз Оролбўйи ҳудудига амалий ёрдам беришнинг барча чораларини кўрамиз!

**Питер ДАРЖЕС, Осиё Тараққиёт банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Оролбўйи ҳудуди аҳолиси турмушини яхшилашга 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратдик. 2 та муҳим лойиҳа ижросида иштирок этаяпмиз. Жаноб Б. Хўжаевнинг маърузасида Ўзбекистон ҳукумати Оролбўйи экологик инқирозини бартараф қилишнинг миллий дастури ишлаб чиқилаётганлиги айтилди. Биз бундан хурсандмиз. Яқин истиқболда ушбу мақсадлар учун яна 30 миллион АҚШ доллари ажратиш ниятидамиз.

**Девид ПИРС, Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Воҳа аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадларига қаратилган 2 та лойиҳани амалга оширишда қатнашаяпмиз. Тез орада Элликқалъа туманини ижтимоий-иқдисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун катта миқдордаги кредитни ҳавола қиламиз!

**Мансур МОНТАЗАРИЙ НАМИН, Эрон Ислом Республикаси «Собир-Шимбар» компанияси вакили:**

— Беруний ва Тўрткўл шаҳарларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун 4,4 миллион АҚШ доллари миқдорида пудрат ишларини бажардик. У ердаги хонадонлар айни кунда тоза сувдан баҳраманд бўлмоқда. Ўйлайманки, бу борадаги ҳамкорлигимиз давом этади.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тожиев, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўтамов сўзга чиқдилар.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*2001 йил — Оналар ва болалар йили*

**Мамлакатимизда 2001 йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши муносабати билан амалга оширилган ҳамда режалаштирилаётган кўплаб хайрли ишлар фарзандларимиз тарбиясида муҳим омил бўлмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан танишган киши юртимиз ёшлари ҳақиқатан ҳам ғамхўрликлар билан қуршаб олинганлигига ишонч ҳосил қилади.**

# ЎҚУВЧИЛАРГА ҲОКИМ СТИПЕНДИЯСИ

Жиззах вилояти ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳам мавжуд қонунлар кўрсатмалари асосида ўз фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш учун турли тадбирларни уюштирмоқда. Ҳозир вилоятда 14 ёшгача бўлган болалар сони 384162 нафарни, ўсмирлар 65068 нафарни ташкил этади. Улар 527 та мактаб, 212 та мактабгача тарбия, 36 та мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб қилинган.

Шу йил бошида вилоят ҳокимининг «Вилоятда таълим кунини ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан ҳар ойнинг охирги жумаси «Таълим куни» деб белгиланди. Шу куни ой давомида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, дуч келинган муаммолар муҳокама қилинади. Вазифалар белгиланади.

Яқинда умумтаълим мактабларининг ўқувчилари учун вилоят ҳокими стипендияси жорий қилингани ўқувчилар ҳамда ота-оналар учун ўзига хос янгилик бўлди. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида 14 нафар энг фаол, аълочи ўқувчи биринчи марта бу стипендияни олди. Мактабларда таълим олаётган ўғил-қизлардан кўнглимиз тўқ. Бизни кўпроқ ташвишга солаётган нарса — ҳеч жойда ўқимай ёки ишламай юрган, ҳатто ота-она назоратидан четда бўлган болалардир. Уларни касбга ўргатиш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишда шаҳар ва туманларда бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ўтказилаётгани яхши самара бермоқда. Бугунгача Ғаллаорол, Мирзачўл, Пахтакор, Дўстлик туманларида, Жиззах шаҳрида ўтказилган ярмаркаларда 150 га яқин ташкилот тўрт юзга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди. Кўплаб ёшлар иш билан таъминланди. Вилоятимиздаги бир гуруҳ фермер ва тадбиркорларнинг бекор юрган вояга етмаганларни иш билан таъминлаш ҳақидаги мурожаатлари ҳам ўзига хос тарбиявий тадбир бўлди. Вилоят ҳокими ушбу мурожаат юзасидан қарор қабул қилди.

Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган ёшларга депутатлар, масъул раҳбарлар бириктирилган. Комиссия йиғилишларида бундай раҳбарларнинг ҳисоботлари мунтазам эшитиб борилмоқда. Жорий йилнинг саккиз ойи якуни билан ўтган йилнинг худди шу муддатига нисбатан жиноятчилик тўрт фоизга камайди.

Комиссиялар ишини такомиллаштириш ва тажриба алмашиш мақсадида сентябрь ойида Ғаллаорол тумани саноат касб-ҳунар коллежида вилоят кўчма семинари ўтказилди. Унда асосий эътибор ўз фарзандига таълим-тарбия бермаётган ота-оналар билан профилактик ишларни йўлга қўйиш масалаларига, маҳалла, мактаб, оила ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилди.

Вояга етмаган ёшлар орасида маънавий-мафкуравий тарғибот ишлари олиб бориш мақсадида тўртта махсус гуруҳ тузилган. Унинг аъзолари вилоятимизнинг барча жойлари, айниқса, чегара туманлари — Бахмал, Янгиобод, Зоминда мунтазам, кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлими қошида «Ёш мафкурачи» клуби ташкил қилинган. Клуб аъзолари Жиззах шаҳри, Мирзачўл, Дўстлик, Арнасой туманлари ёшлари орасида «Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир», «Миллий мафкура ва ёшлар тарбияси» мавзуларида кўплаб давра суҳбатлари, баҳс-мунозара кечалари ўтказмоқда.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда Мирзачўлда отиш, Ғаллаоролда ҳарбий-амалий кўпкураш, вилоят марказида авто ва мотопойга мусобақалари уюштирилгани ёшлар ўртасида спортнинг бу турларига қизиқишни кучайтирди.

Жисмоний баркамолликка эришиш учун спортнинг футбол, кураш, теннис, волейбол, енгил атлетика каби турлари кенг оммалаштирилаяпти. Жиззахда Марказий Осиёда ягона бўлган олимпия захиралари коллежи фаолият кўрсатаётганлиги, бокс бўйича Жаҳон кубоги соҳиби Лазиз Зокиров, кураш бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Олимжон Равшанов, шахмат бўйича Осиё биринчилиги бронза медали совриндори Юлдуз Ҳамроқулова, кўпкураш бўйича Осиё ўйинлари ғолиби Олег Веретелников, халқаро мусобақалар совриндори Елена Дроздова каби спорт юлдузлари етишиб чиққанлиги ёшларимиз ўртасида жисмоний баркамоллик учун курашнинг янги тўлқинини бошлаб берди.

Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган қанотбахш сўзлари барчамиздан эришилган ижобий натижалар билан қаноатланмай, муаммолардан чўчимасдан, изчил ва собитқадамлик билан ҳаракат қилишни, мунтазам олға боришни тақозо этади.

**Олимжон ЖАВЛОНОВ,**
**Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси.**

---

*Тақдимот*

# УЛАР ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИ ЭДИ

Йиллар ва даврлар ўтади. Аммо мустабид совет тузумининг ўзбек халқига келтирган жабру жафолари асло унутилмайди. ...Биргина 1937-1938 йилларнинг даҳшатли кечаларида минглаб ватандошларимиз қамоққа олиниб, йўқ қилиб юборилган. Ана шу бечора, жабрдийда, жафокаш кишилар орасида «инсониятнинг гўзал бўлаги» — аёллар ҳам бўлишган.




Куни кеча республика Миллий матбуот марказида тақдимоти бўлиб ўтган «Қор қўйинида лолалар» китоби ана шундай сўзлар билан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташаббуси билан нашр этилган мазкур асарда манфур тузум туфайли қатағонга учраган ўзбекистонлик аёлларнинг озодлик йўлидаги курашлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Тақдимот маросимини Миллий матбуот маркази раҳбари Амирқул Карим олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова, Олий Мажлис Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг раиси Шарифа Салимова, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори Дилором Алимова, «Санам» журнали бош муҳаррири ўринбосари, шоира Ҳалима Худойбердиева ва бошқалар мазкур китобнинг бугунги кундаги ўрни, мустақиллик ғояларини тарғиб этишдаги аҳамияти хусусида сўз юритишди. Қатағонга учраганларнинг яқинлари республикамиз Президенти раҳнамолигида шаҳидлар руҳи-покларини шод айлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишлардан ғоят мамнун эканликларини изҳор этишди.

Шунингдек, шу куни ҳужжатлар, маърузалар, хотиралар ва хатлар жамланмасидан иборат «Халқ хотираси олдида бош эгамиз» китобининг ҳам тақдимоти бўлиб ўтди.

**Абдул РАСУЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Шароит бир хилу...*

**Иштихондаги «Ғаниобод» фермер хўжалигида давлатга пахта сотиш шартнома режаси 10 сентябрда уддаланди. Ўша вақтда ери бир-бирига туташ, сув, иқлим шароити бир хил «Меҳнат — роҳат» ширкат хўжалигида йиллик топшириқ ҳали 30 фоизга ҳам етмаганди. Иштихон туманида эса теримга энди киришилган эди. Хўш, бундай кескин тафовутнинг фарқи нимада?**

# ФЕРМЕР ГАПИДА ТУРДИ

## Лекин унинг ёнгинасида жойлашган жамоалар қолоқлик гирдобидан чиқолмаяпти

Биз юзидан нур ёғилиб турган, ёши 60 дан ошган бўлишига қарамасдан, ҳаракатчан, серғайрат Ғани бобо Муродовни ўз даласида учратдик. Фермер хўжалиги раҳбари билан пахтазорда узоқ суҳбатлашдик. Отахоннинг таъкидлашича, мўл ҳосил олишда ҳеч қандай сир-синоат йўқ. Бунинг учун фидокорона меҳнат қилинса, экин тўлиқ агротехника қоидалари асосида парваришланса, об-ҳавонинг қандай келишига қараб тадбиркорлик билан иш юритилса муваффақият қўлга киритилаверади.

— Аввало, ерни тўйдириш лозим, — дейди отахон. — Халқимизда ерни боқсанг, у сени боқади, деган нақл бежиз айтилмаган. Ер кучли бўлса, қилинган меҳнат зое кетмайди. Биз бу йил эрта баҳорда даламизнинг гектарига 30 тоннадан маҳаллий ўғит солдик.

Сув танқис келган жорий йилда жамоа аъзолари оби ҳаётни тежашга алоҳида эътибор қаратишди. Барча тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилди. Ҳар бир туп ниҳол ардоқда бўлди, десак муболаға бўлмайди. Натижа эса ёмон бўлмади. Унумдор тупроқда ўсган ғўзалар эрта ҳосил берди. 10 иш кунида топшириқ уддаланди. Айни пайтда ҳосилдорлик 30 центнердан ошди. Режа 121 фоизга бажарилди. Энг муҳими, ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навга сотилди. Шу кундаги ҳисоб-китобларга кўра, пахтачиликнинг ўзидан 876 минг сўм даромад олиш кўзда тутилмоқда.

Энди фермер хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган ғаллачиликни олиб қарайлик. Жорий йилда 10 гектар ерда буғдой етиштирилди. Ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил қилди. Соҳанинг ўзидан 1 миллион 257,5 минг сўм даромад олинди. Унинг 723 минг сўми соф фойдани ташкил қилади.

Фермер хўжалиги бундан тўрт йил муқаддам ташкил этилиб, унга шартли равишда суғориладиган ердан 15 гектар ер ажратилганди. Ўша йили мавжуд барча майдонда пахта етиштирилди. Давлатга 40 тонна хомашё сотилди. Ҳосилдорлик 24,5 центнерни ташкил қилди ва соҳадан 457 минг сўм даромад олинди. Кейинги йили, яъни 1998 йили ҳам барча майдонларда ғўза парвариш қилинди. Давлат қабул пунктларига 54 тонна пахта топширилди. Ҳосилдорлик 36 центнерни ташкил қилиб, йил 1 миллион сўмдан ортиқ даромад билан якунланди. 1999 йилга келиб эса 13 гектар ерда пахта етиштирилди. 2 гектар майдон боғ учун ажратилди. Натижа ёмон бўлмади. Соҳадан 1 миллион сўмдан ортиқ даромад олинди.

Ўтган йилга келиб эса ғаллачиликка алоҳида эътибор берилиб, 10 гектар майдонда буғдой, 3 гектарда пахта етиштириш йўлга қўйилди. Барча соҳаларда мўл ҳосил олиниб, шартнома топшириқлари ошириб бажарилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Хуллас, фермер хўжалиги ташкил этилгандан бери ҳар йили режалар ошириб бажарилиб, эришилаётган ютуқлар тасодиф эмаслигини амалда намоён этмоқда. Ваҳоланки, икки йилдирки, на ушбу жамоа билан ёнма-ён ширкат хўжалиги, на туман режани уддалай олади.



Фермер хўжалигининг иқтисодий аҳволи ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Унинг ихтиёрида ҳозир битта ишлов, битта шудгор қиладиган трактор бор. Барча юмушларни улар ёрдамида жамоа аъзоларининг ўзлари бажаришади. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг ҳаммаси фермернинг оила аъзолари ҳисобланади. Хўжалигимизнинг асосий таянчи фермернинг ўғли Зопир қишлоқ хўжалиги институтида сиртдан таълим олмоқда.

Биз фермер хўжалиги фаолияти билан батафсил танишиб, шундай фикрга келдик: мўл ҳосил олиш, муваффақиятга эришиш астойдил меҳнат қилишга, тадбиркорлик билан иш юритишга боғлиқ экан.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан*

# МЎЪТАБАР ЗИЁРАТГОҲ

Тўй тўйга уланса, не ажаб. Яқин кунлар қолди. Мамлакатимизда қадимий шаҳарлардан бири Термизнинг икки ярим минг йиллик тўйи нишонланиш арафасида. Бу барокатли заминда қадим-қадимдан илм-фан, маданият юксак даражада тараққий қилган. Ундан кўплаб буюк алломалар, мутафаккир ва донишмандлар етишиб чиқиб, жумлаи жаҳонда донг таратган. Шундай буюк зотлардан бири аллома ал-Ҳаким ат-Термизийдир. Таваллуди нишонланиши арафасида Термиз шаҳрида буюк донишманд номидаги зиёратгоҳ тобора чирой очмоқда. Тўй кунлари бу ерда бўлганлар унга ўзлари баҳо беришар...

**СУРАТЛАРДА: зиёратгоҳ кўриниши.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**






OXFORD COLLEGES HOSPITALITY SCHEME
CAMBRIDGE COLLEGES HOSPITALITY SCHEME
FOR CENTRAL AND EAST EUROPEAN SCHOLARS

***Апрель 2002 – Март 2003***

Оксфорд ва Кембриж университетлари Очиқ жамият институти ҳамда Британия Кенгаши билан ҳамкорликда Марказий ва Шарқий Европа, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларини университет кутубхоналаридан фойдаланишга ва профессор-ўқитувчилари билан ўз мутахассисликлари бўйича ўзаро алоқани йўлга қўйишга таклиф этади.

Кембриж дастури ёз ойлари давомида (июль-сентябрь) Кембриж коллежларидан бирига бир ойлик ташрифни ўз ичига олади.Оксфорд дастури ҳам Оксфорд коллежларидан бирига асосан ёз ойларида бир ойлик ташрифни кўзда тутади. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар post-doctoral ёки унга тенг илмий даражага эга бўлишлари ва олий ўқув юртлари ёки илмий-тадқиқотлар муассасаларида фаолият олиб бораётган бўлишлари лозим.

Барча стипендия соҳиблари бепул яшаш, овқатланиш ҳамда бошқа керакли шароитлар билан таъминланадилар. Шунингдек, бориш-келиш, йўл харажатлари ҳам стипендия, ўз ҳисобидан бўлади.

*Ариза берувчилар инглиз тилини пухта билишлари шарт. Муайян лойиҳалар устида иш олиб бораётган, илмий ишларни ёқлаш арафасида турган ва илгари хорижда таҳсил олиш имконига эга бўлмаган шахсларга афзалликлар берилади. 2000 йилнинг 1 апрелидан 2002 йилнинг 31 мартигача бўлган давр мобайнида икки ой ва ундан ортиқ вақт хорижда таҳсил олган шахслар танловга қўйилмайди.*

Қўшимча маълумотлар ва аризаларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Ўзбекистон Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси,

Тошкент шаҳри, Зарбоғ кўчаси, 31-уй.
Тел.: 152-39-15/16/33, 152-36-98, факс 120-68-54.
Электрон почта:kamol@osi.uz; zukhra@osi.uz

***Ҳужжатларни топширишнинг сўнгги муддати***
***2001 йил 7 ноябрь.***

4870


**Тайлоқ туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалигида хориждан келтирилган янги картошка навларининг синов-кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзкартошка» фирмаси, Голландия ва Германиянинг «Агрико», «Норекс-Норека», «HZPC» фирмалари вакиллари иштирок этишди.**

## Картошканинг зўри... Тайлоқда

Хўжаликнинг 1,5 гектарлик синов участкасида мазкур учта фирмадан келтирилган 21 хил янги картошка нави экилган эди. Кўргазма иштирокчилари ана шу навларнинг қандай самара бериши, хусусиятлари, маҳаллий шароитга мослашиши билан қизиқдилар.

— Собиқ иттифоқ даврида биргина Самарқанд вилоятига истеъмол учун 45 минг тонна картошка четдан келтириларди, — дейди «Самарқандкартошка» шўъба корхонаси директори Тоҳир Ашуров. — Айни пайтда эса вилоятда эҳтиёждан ортиқ даражада картошка етиштирилаяпти. Вилоят бўйича йилига ўртача ишлаб чиқарилаётган 192 минг тоннадан зиёдроқ шу хил маҳсулотда тайлоқликлар улуши катта. Ҳосилдорлик вилоят бўйича 217 центнер бўлса, Тайлоқда бу кўрсаткич 280 центнерга тўғри келади.

Ҳа, Тайлоқ Самарқанд вилоятидаги асосий картошкачилик тумани. Уруғлик картошка тайёрлаш ҳам асосан улар зиммасида. Айни пайтда Амир Темур номли, «Боғизоғон», «Қўшчинор», Р.Саидназаров ва Улуғбек номли хўжаликларда хориждан келтирилган янги навлар «Самарқандкартошка» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда синовдан ўтказилаяпти.

Янги картошка навлари синов-кўргазмасида иштирок этган вакиллар тайлоқлик деҳқонлар меҳнатини алоҳида таъкидлаб, синовдаги навларни юқори баҳоладилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Аҳиллик қўрғони*

# БАЛИҚЧИНИНГ ЧИНОБОДИ

**Балиқчининг Чинобод аталмиш сўлим ва мафтункор бу гўшасида бўлганмисиз? Содда, бироқ ҳайратомуз ишлари билан чор-атрофга довруқ таратган кишилари суҳбатини олганмисиз? Истиқлолни қўй сўйиб, дошқозонда ош дамлаб кутиб олган, кўксига эрк, озодлик шабадаси тегиши билан ақлни шоширадиган ишларга қўл урганлар ҳам чинободликлар.**

Бугун улар Истиқлол шарофати билан дунёга келган «Алишер Навоий интернешл» Америка — Ўзбекистон қўшма корхонаси ҳамда Катта Андижон канали раҳбари Ҳалимжон ҳожи Хидировларнинг саъй-ҳаракати билан барпо этилган саноат мажмуалари, ҳашаматлилиги ва чиройи билан кўнгилларга ёруғлик солаётган иншоотлар ҳақида фахру ифтихор билан гапиришади.

Миллий кураш бўйича республика чемпиони Олимжон Мирзакаримов, ўн йилдирки, ҳамқишлоқлари билан ҳамкорликда маҳаллалар тинчлиги, осойишталиги учун жон куйдиради. Миллий қадриятларимизни тиклаш, янги анъаналарни қарор топтириш, ҳар бир кўча ва гузарнинг ободонлиги йўлида қайғуради. Ишсиз юрган ёшларга иш топиб беради. Ўзгалар ёрдамида муҳтожларнинг бошини силайди.

Тадбиркор Акромжон ҳожи Хидиров Чинободда сутни қайта ишлайдиган Исроил-Ўзбекистон қўшма корхонаси очиш ниятида эканини айтганда, уни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олимжон бўлди. Лекин у тадбиркор олдига битта шарт қўйди: ишсиз ёшларимизни ўзингиз ишга оласиз, ҳунар ўргатасиз, ҳамма шароитларни яратиб берасиз.

Чинободнинг 150 нафар ўғил-қизи эндиликда қаймоқ, пишлоқ, сузма, сут-қатиқни энг замонавий идишларга қадоқлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд.

Мазкур қишлоқ вилоятда аҳолиси энг зич ҳудудлардан бири саналади. Бу ерда 28 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Кейинги икки йилда чинободликлар салкам бир ярим минг кишига кўпайди. Демак, кишиларнинг талаб-истаклари, ўзига хос муаммо ва ташвишлари ҳам шунчага ортди. Шу ўринда кўпчиликни ўйлантираётган масалалардан бири ҳақида тўхталиб ўтмасак бўлмас. Туман пуллик хизмат кўрсатиш бўйича вилоятда охирги ўринлардан бирида. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда ҳам дуруст натижаларга эришилаяпти, деб бўлмайди. Чинободда эса бунинг акси.

Биз қишлоқнинг азим чинорлар соя ташлаб турган кенг ва равон кўчалари бўйлаб борар эканмиз, йўлнинг икки томонидаги миллий меъморчилигимиз билан замонавий уйсозлик бир-бирига уйғунлашиб кетган ва энг муҳими, бетакрор биноларни учратдик. Айтиш мумкинки, бу иншоотлар мустақилликка эришганимиздан кейин қад ростлаган. Хусусий бозор, ошхона, ўнлаб дўконларнинг бунёд этилганига ҳали ҳеч қанча бўлгани йўқ. Касб-ҳунар коллежининг маҳобатли биноси ҳам шу даврда тўла қайта таъмирланди. Оталар чойхонаси ўзига хос «либос» киймоқда. Ҳозир Чинободда саккизта мактаб, бешта болалар боғчаси, 18 та дўкон, 16 та сартарошхона, косибчилик, радио-телевизор тузатиш устахоналари, йигирмадан ортиқ қассобхона, ўттиздан зиёд маданий-маиший дўконлар қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатаётир.

— Бугуннинг раҳбари халқни эргаштириш билан бирга эртанги кунни ўйлаб иш тутмаса бўлмайди, — дейди Олимжон Мирзакаримов. — Аҳолининг ўсиб бораётган талабини ўрганиш, жойларда хизмат кўрсатиш шохобчаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Анжуман*

# «КАМОЛОТ»НИНГ СЎЗ БАҲСИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси бўлими навқирон авлодни мустақиллик ғоялари теварагида жипслаштириш, етуклик фазилатларини шакллантириш бўйича амалий ишлар қилмоқда. Бир қанча маданий-спорт тадбирлари, «Нафосат — бўстоним маним» фестивали, шунингдек, Нукусда бошловчи шоир ва ёзувчилар анжумани ўтказилди.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган бу анжуманда республиканинг барча шаҳар ва туманларидан ёш қаламкашлар ўз асарлари билан қатнашдилар. Таниқли ёзувчи ҳамда адабиётшунослар навқирон қалам соҳибларининг тетапоя қадамларига холис баҳо бердилар, улардан қимматли маслаҳатларини аямадилар.

— Ёшларнинг илҳоми қайнар булоқдек тўлиб-тошаётганидан хурсандмиз, — дейди «Камолот» ёшлар ҳаракати Қорақалпоғистон бўлими раисининг ўринбосари Алишер Полвонниёзов. — Анжуман ўндан ортиқ истеъдодли ёш шоир ва ёзувчиларни кашф қилди. Мақсадимиз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат!

**Ўз мухбиримиз.**

# Ўзбек мусаввирлари кўргазмаси — Юнон тупроғида

Қадим Юнонистоннинг мамлакатимиз билан тарихий, мадания-маърифий алоқалари азалдан мустаҳкам. Халқимизнинг инспонпарварлиги, бағрикенглиги, маданияти ҳар доим грек халқини қизиқтириб келган. Айниқса, юртимизнинг истиқлол йилларидаги янгиланиши, ривож топиши улар билан янада мустаҳкам алоқа ўрнатишга омил бўлди.

Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги нишонланаётган кунларда грециялик тадбиркор, санъат ҳомийси Руна Левенди хонимнинг ташаббуси боис Грециянинг туризм маркази — Констанса, Каменна Вурла шаҳарчаларида «Мустақил Ўзбекистон рассом аёллари ижоди» кўргазмаси ташкил этилди. Унда таниқли мусаввир Шоира Қўзиеванинг «Ўзбек аёллари», Нафиса Жабборованинг «Аёл бу — гул» туркумидаги асари, Мадинанинг «Алпомиш ва Барчиной» график серияси намойиш этилди.



Ёш иқтидорли дизайнер, қатор халқаро танловлар совриндори — Малика Бонунинг миллий ўзбек матолари — атлас, шойи, беқасам, силон, адраслардан яратган зардўзи либослари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Р. Левенди хонимнинг юборган мактубида халқимизнинг бадиий санъатга иштиёқи баландлиги, бу асарлар уларнинг «меҳр қўл»лари ила яратилганлиги, айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган оддий халқ орасида бу каби ноёб санъат тури кенг тарқалганлиги эътироф этилган.

Кўргазманинг муваффақиятли ўтишида Ўзбекистоннинг Грециядаги Бош Консулхонаси ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Бир пайтлар Ўзбекистон тупроғида бошпана топган минглаб грек фуқаролари бугун ўз юртида осуда ҳаёт кечирмоқдалар. Ҳамкорликнинг бундай кўринишини, айниқса, улар бошқача ҳис қиладилар. Юртбошимиз асарларининг грек тилида чоп этилиши ҳам уларнинг халқимизнинг бой маданиятига қизиқишлари туфайлидир.

Бундай кўргазмаларнинг ташкил этилиши грек ишбилармонларининг юртимизда ҳар соҳада юритаётган фаолияти Ўзбекистон — Греция ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши ва янги ҳамкорлик сари интилишларга сабаб бўлмоқда.

**Ғафур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Банк тизими*



**«Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Фарғона вилояти бўлими бошқарувчиси Маҳаммаджон ШЕРМАТОВ билан суҳбат**

# МИЖОЗНИНГ КЎНГЛИНИ ОЛАМИЗ

**—Маълумки, банкларни иқтисодиётнинг қон томири, дейишади. Мустақилликка эришилгандан кейин банк тизими жаҳон андозалари талаблари даражасида ислоҳ қилинди. Айни кунларда соҳада кучли рақобат мавжуд. Сизнингча, бу борада «Ўзуйжойжамғармабанк» қандай мавқега эга? Банкнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?**

— Ҳақиқатан ҳам, дунё иқтисодиётида банклар улкан салоҳиятга эга. Ўтган ўн йил мобайнида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида мамлакатимизда банк тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Соҳада кўп тармоқли, акциядорлик банклари ташкил этилди. Бизнинг банкимизни ҳам мустақиллик меваси, дейиш мумкин. Президентимизнинг 1997 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида уй-жой қурилиш ислоҳотларини чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, жамоамиз зиммасига биринчи галда Давлат уй-жой дастурини ижро этишни молиялаштириш вазифаси юклатилган. Мазкур фармонга биноан, юртдошларимизга уй-жойлар баҳосининг эллик фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланиши, 30 фоизи 3 йилдан 10 йилгача имтиёзли кредит сифатида берилиши, фақат 20 фоизли биринчи тўлов бадалини тўлаш каби имтиёзлар белгиланган. Агар олинган кредит иш ҳақи ҳисобидан тўланса, мижоз даромад солиғи тўлашдан ҳам озод этилади. Бундай имтиёзлар эса Ҳамдўстлик мамлакатларининг бирортасида йўқ.

«Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Фарғона вилояти бўлими томонидан ўтган беш йил мобайнида юртдошларимизга еттита — 242 миллион сўмлик уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни кунларда вилоят марказида 1431 кв.метрлик саккиз хонадонли турар жой биноси барпо этилмоқда.

**— Мижозларга кредитлар бериш масаласи қандай ҳал этилаяпти?**

— Бизда 875 та мижоз мавжуд. Улардан кичик ва ўрта бизнес субъектлари 583 тани, хусусий тадбиркорлар 147 тани, хусусий фирмалар 255 тани, деҳқон ва фермер хўжаликлари 69 тани ташкил этади. Ўтган йилнинг баҳорида вилоятдаги банклар орасида биринчи бўлиб бизда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш бўлими очилган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида ушбу йўналишдаги субъектларга режага асосан, ўз маблағларимиз ҳисобидан 119 миллион сўм ўрнига 462,6 миллион сўм кредит ажратдик.

Бу кредитларнинг 10 фоизи ишлаб чиқаришга, 15 фоизи қишлоқ хўжалигига, 25 фоизи савдо-сотиқ, 30 фоизи маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилди. Натижада 85 та янги иш ўрни яратилди.

**— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида банклар фаолиятига тўхталиб, хорижий инвестицияларни жалб этишда банклар асосий ташаббускорлардан бири бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Ушбу йўналишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, яъни хорижий технологияларни жалб қилиш бўйича бизга учта АҚШ доллари эквивалентида, учта миллий валютада кредит олиш учун аризалар тушган. Шу кунгача уч нафар тадбиркорга кредит ажратилди, қолган аризалар эса батафсил ўрганилгач, барча ҳужжатлар «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бошқармасига тақдим этилди.

**— Шу ўринда аниқ мисоллар келтира оласизми?**

— Албатта. «Ал-Матин» кўп тармоқли хусусий фирмаси 20 миллион сўм кредит эвазига Франциянинг рангли суратга олиш технологиясини сотиб олиб ўрнатди. «Арско» масъулияти чекланган жамиятига Россияда ишлаб чиқарилган бензин колонкаси сотиб олиш учун 10000,0 минг сўм, «Мастона-И» хусусий фирмасига Жанубий Кореянинг автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш жиҳозларини олиб келиш учун 12000,0 сўм миқдорида кредитлар берилди. «Абу Али Ибн Сино» масъулияти чекланган жамияти мармар ишлаб чиқариш бўйича Италиядан технология харид қилиш, «Ўзсаламан» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси фаолиятини янада ривожлантириш, Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш корхонасига Германия технологиясини олиб келиб ўрнатиш учун беш йил муддатга хорижий валютада кредит олиш бўйича тушган аризалар ҳам тез кунлар ичида ижобий ҳал этилади.

**— Банк жамоаси аҳолига яна қандай хизматлар кўрсатмоқда?**

— Биз таклиф этаётган хизмат турларидан бири бу — жисмоний шахсларга маиший техника, мебель, автомобиль, қурилиш материаллари, олий ўқув юртларида ўқиш учун «Орзу» деб номланган кредитларнинг ажратилишидир. Ҳозиргача олтмишга яқин юртдошларимизга 245 миллион сўмлик истеъмол кредитлари берилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини узиш учун 548 миллион сўм кредит ажратилди. Натижада кўпгина корхоналар оёққа туриб олди. Бундан ташқари, коммунал тўловлар бўйича ҳам банкимиз томонидан катта қулайликлар яратилдики, бу одамларга маъқул бўлмоқда.

**— Келгуси режалар, орзу-ниятлар....**

— Бир сўз билан атйганда, мақсадимиз банк хизмати сифати ва тезкорлигини янада яхшилаш, халқимизнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кўнглини олишга қаратилган.

**Суҳбатдош:**
**Ботир МАДИЁРОВ.**

Уйғоқ фикр



# ВАТАН уни англашдан бошланади

Дунёда энг чиройли гул қайси, деб сўрашса, кўктелпак (эрбаҳоси) деб жавоб берган бўлур эдим. Май ойининг бошларида яйловларда очиладиган, гулкосаси чиндан ҳам митти қалпоқ — ангишвона шаклидаги, бўйи бор-йўғи бир қарич келадиган бинафшаранг гулчани ёшлигимиздан яхши кўриб, уни илоҳийлаштирар эдик. Шу нафис гулдан чамбарак шаклида телпаклар ясаб кийиб юрар эдик. Чамбаракларни осиб қуритишар, ҳар хил касалликларга, айниқса, қон босимига дори, деб эзиб ичишар эди. Қишлоққа борганимда, албатта, яйловга чиқиб, етказганига шукур, деб кўктелпакларни силаб-сийпалайман: ҳидлайман, бир тутам қилиб териб Тошкентга олиб келаман.

Бу — митти ватаннинг овозлари, ҳидлари, гуллари. Шабадаларини айтмайсизми? Ҳа, ватан шабадалари, шамоллари бўлади. Ҳар бир қишлоқ-овулнинг, ҳатто ҳар бир сой-қирнинг ҳам ўз шамоллари бор.

Фашизмга қарши уруш йилларида колхоз ҳар кунги донни давлатга пешма-пеш топшириши керак эди. Бунинг учун хирмонда янчилган буғдойпоя сомонини ёғоч паншахалар билан осмонга отиб совуриб, донини ажратиб олиш керак. Баъзан ҳеч тарафдан ел келмай «шамол ётиб қолади». Ана кўринг, шамол сўраб худога ёлворишларни!

Одам боласи Ватан деб аталмиш табаррук ҳудуднинг сувидан, об-ҳавосидан, жамики моддий-маънавий неъматларидан баҳраманд. Унинг учун Ватаннинг ҳар бир кафт тупроғи азизу мўътабардир. Буни шўролар даврида қувғин қилинган ватангадо юртдошлардан сўранг. Араб мамлакатларидан бирида бадавлат ҳаёт кечираётган ўзбеклардан бирининг уйида қимматбаҳо вазалардан иккитасига оддий тупроқ солиб қўйилган экан. Меҳмонлар қизиқсиниб сўрашганда, чолу кампир асли Фарғона водийсидан эканликларини, бир вазадаги тупроқ Қўқондан, иккинчисидаги бошқа шаҳардан келтирилганини айтишиб, кунисувимиз битгач, бир ҳовуч ватан тупроғи насиб қилса бас, деб кўзларига ёш олишибди.

Дунёда қанчадан-қанча мамлакатлар бор — Хитой, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Канада... Кичкиналари ундан-да кўп. Ўзбекистон майдони, яхлитлаб айтганда, 448 минг квадрат километр. Лекин мамлакатимиз ҳудудининг кўп қисмини чўлу биёбонлар, тоғу тошлар эгаллаган. Суғориб деҳқончилик қилинадиган обод ерлар — воҳалар 10 фоиз. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми — 130 дан ортиқ эл-элат вакиллари ана шу майдонда яшайди. Ҳолбуки, майдони республикамизникига деярли тенг келадиган Швецияда атиги бир неча халқ — шведлардан ташқари (96 фоиз), финлар, саамлар ва баъзи бир кам сонли шимолий туб халқларнинг вакиллари истиқомат қилади, холос.

Бундан чоғроқ ўлка — Ўзбекистонни нима учун бу қадар кўп халқларнинг намояндалари ватан тутганлар?

Бу саволга ўзимча жавоб топган бўламан. Буни жаннатмакон воҳаларда яшаб келган, қадимдан ёзувга эга бўлган маданий халқларнинг бағри кенглиги, инсонпарварлигидан, тиллари, ҳатто динлари, урф-одатлари бошқа-бошқа халқларга ер-сув бериб, улар билан ёнма-ён яшашни одат қилган ўзбекларнинг одамшавандалигидан, деб биламан.

Ватанни англаш унинг муқаддаслигини ҳис этишдан бошланади. Ичган сувинг, еган нонинг, тўйиб-тўйиб нафас олаётганинг — ҳаммаси Ватан туфайли. Шундай экан, нега биз Ватанни севмас, уни ардоқламас эканмиз?

Ватан бугун фидойи, ҳалол, меҳнатсевар, дилкаш инсонлар елкасида турибди. Демак, ҳаммамиз ана шундай инсонлар бўлишимиз керак.

**Суюн ҚОРАЕВ,**
**география фанлари доктори,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

Ўзбекистон курортлари

# «ЧОРТОҚДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР ЭКАНУ...»

**«Тиб қонунлари» асарида Ибн Сино шундай деб ёзади: «Таркибида мис, темир моддалари бўлган шўр сувлар бўғим оғриқларида, подагра касаллигида, камқувватликда наф беради, синган суякларнинг битишини тезлаштиради, жароҳат ва яраларнинг битишига ёрдам беради. Олтингугуртли сувлар эса асабни тозалаб, тиришишдан ҳосил бўлган оғриқни босади».**

**Табобат илмининг султони таъкидлаган маъданли сувлар кони Чортоқ замини қаърида макон топган. Туман номи билан аталувчи машҳур сиҳатгоҳга келган киши, аввало, бу ернинг ноёб шифобахш суви, қулай табиий шароити, гўзал ва жозибали манзарасига шайдо бўлади. Тоғлар этагида жойлашган шифо ва ҳордиқ масканида суяк-мускул, асаб тизими, овқат ҳазм қилиш аъзолари хасталиклари, тери ва гинекологик касалликлар даволанишини мамлакатимизнинг барча бурчакларида яхши билишади. Унинг даволовчи омиллари беозор: юқори маъданли маҳаллий иссиқ сув манбаларидан ванналар буюриш, сулфидли сунъий балчиқ малҳами, кам маъданли сув истеъмоли, иқлимнинг ижобий таъсири. Бундан ташқари, физиотерапиянинг турли усуллари, даволаш физкультураси, парҳез таомлар ва руҳий даволаш бемор куч-қувватини тезда тиклайди.**

— Чортоқ ҳавосининг ўзиёқ дим яхши даво экан, — дейди Урганч туманидан келган Амина Эшжонова. — Бундаги шароиту шифокорларнинг меҳрибонлигини айтмайсизми. Маза қилиб, ҳордиқ чиқариб даволанаяпмиз. Юртимизда шундай жаннатмакон гўшалар бор экану, билмай юрибмиз-а.

Ҳа, «Чортоқ» чиндан ҳам дилтортар маскан. Ярим асрдан буён давога муҳтож кишиларнинг танасига мадор, юрагига қувват бағишлаб келаётган бу жойдан Аллоҳ саховатини дариғ тутмаган. Яшилликка бурканган табиатини кўрибоқ кўнгилингиз равшан тортади. Борлиғингизни зада қилиб турган у ёки бу хасталик хаёлингиздан кўтарилади. Даволаш муолажаларининг ҳаммаси табиий.

Сиҳатгоҳ жамоаси ҳар бир даволанувчининг вужудидан ҳорғинликни қувиб чиқариш йўлида меҳнату ҳаловатини аямайдиган кишилардан ташкил топган. Бариси ўз ишининг устаси. Мижозининг юзига қараб хизматию муолажаси қай даражада маъқул келаётганини англайди-қўяди. Бир муддат бўлсада иш, оила ташвишларини четга суриб келган кишига айни шуниси даркор.

Ҳордиқ чиқараётганлар билан суҳбатлашиб, жамоанинг фидойи меҳнатчиларини билиб олдик. Узоқ йиллардан бери касбини улуғлаб келаётган шифокорлар — Илҳом Каримхонов, Йўлдошали Муталов, Салтанат Товбоева, қўли енгил ҳамширалар Комила Усмонова, Махфират Тўхтасиновалар ҳақида оғиздан бол топиб гапиришади улар. Бўлим катта ҳамшираси Санобар Баҳодирова мустақиллик байрами арафасида «Дўстлик» ордени билан тақдирланибди. Бу унинг ўз ишига садоқати, ҳалол меҳнати ва топширилган вазифани сидқидилдан уддалаётганининг эътирофи.

Бугун «Чортоқ»да 500 га яқин киши даволаниб, ҳордиқ чиқараяпти. Уларнинг 210 нафари экологик мураккаб вазиятдан азият чекаётган қорақалпоғистонлик ва хоразмлик хотин-қизлар. Бу ерга келишлари билан тиббий кўрикдан ўтказилиб, қўшимча даволаш муолажалари белгиланди. Камқонлик хасталигига чалинганлар учун 500 минг сўмлик дори-дармонлар келтирилди.

— Элликқалъа туманидаги «Бўстон» фермер хўжаликлари уюшмасида меҳнат қиламан, — дейди Гулистон Отажонова. — Кейинги пайтларда ошқозоним бот-бот азоб берадиган бўлиб қолди. Бунинг устига, юрагим ҳам безовта қилади. «Чортоқ»қа йўлланма беришганидан бошим осмонда. Келганимизга ўн кун бўлмай, юзларимга қизиллик югурди, танамдаги оғриқлар йўқолди. Маъданли сув деганлари жоннинг роҳати экан. Унга тушгач, бирам енгил тортаманки... Ҳаммасидан ҳам ҳавосининг тозалигини айтинг. Нафас олиб тўймайди, одам.

Миннатдорлик туйғулари уфуриб турган бундай сўзларни ҳар қадамда эшитасиз.

Сиҳатгоҳда даволаш ва кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш ишлари мунтазам такомиллашаяпти. Ўтган йили барча бинолар мукаммал таъмирдан чиқарилди. Сув билан даволаш бўлими қайта қурилиб, замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Унда бир вақтнинг ўзида 36 киши муолажа олаяпти. Беморлар маъданли сувнинг нафи катта бўлаётганини таъкидлашмоқда.

— Бизда нафақат даволанувчилар, балки уларга хизмат кўрсатаётган жамоа аъзолари ҳам ғамхўрлик билан қуршаб олинган, — таъкидлайди бош шифокор Юсуфжон Аминов. — Маош ва мукофотлар тўловида узилиш ҳам, кечикиш ҳам йўқ. Яқинда кам даромадли оилаларнинг фарзандлари учун 100 минг сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари олиб бердик. Фахрийлар ҳолидан мунтазам хабардормиз. Ишловчилар рўзғорига қарашиб турибмиз.

«Чортоқ» шунақа жой. Республикамизнинг олис бурчакларидаги одамлар ҳам бекорга унга талпинишмайди. Бундаги одамгарчилик, ажойиб шароит, намунали хизмат ўзига тортади уларни. Энг муҳими, сиҳатгоҳга келган киши дастлабки кунданоқ ўзини қушдай енгил сезади. Ҳордиқ чиқараман деганга бундан бошқа нимаям керак!

**Эсиргап БОЛИЕВ,**
**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**





**Мамлакатимизда кўплаб академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари бунёд этилаяпти. Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, билимли бўлиши учун ҳамма шароитлар яратилаяпти. Қарши туманидаги «Қовчин» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи фаолияти шу янги ўқув йилидан бошланди. 900 ўринга мўлжалланган мазкур билим масканида ўн йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.**

***СУРАТЛАРДА: касб-ҳунар коллежи кўриниши ва билим даргоҳининг илғор ўқувчилари Венера Хидирова, Содиқ Мелиев ва Улуғбек Очиловлар.***

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Қилмиш-қидирмиш

# МИСФУРУШНИНГ ЮГУРГАНИ... ҚАМОҚХОНАГАЧА

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда катта ўзгаришлар амалга оширилди, оламшумул воқеа ва янгиликлар содир бўлди. Буни биргина алоқа соҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин. «Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш Миллий дастури»га асосан шаҳар ва шаҳарлараро алоқа тармоқларини қайта таъмирлаш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бу дастурга кўра, мавжуд мис кабелли, алоқа қурилмаларини замонавий, оптик-шиша толали кабел, рақамли қурилмалар асосида ишлайдиган тизимга ўтказиш галдаги муҳим вазифалардан биридир.

«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти асосан республикамизни шаҳарлараро ва халқаро алоқа билан таъминлайди, яъни вилоят марказларида жойлашган шаҳарлараро автоматик телефон станцияларини ўзаро боғлаб, кабелли ва радиорелье алоқа линиялари орқали чет эл ва МДҲ мамлакатларига чиқиш учун имконият яратади. Ҳозиргача 2000 км янги оптик-шиша толали кабел алоқа магистрал линияси қурилди ва 1000 км радиорелье тизимлари сифатли таъмирланди. Шанхайдан то Франкфуртгача бўлган ҳудуддаги бир қатор давлатларни бирлаштирган Транс—Осиё—Европа оптик-шиша толали кабель алоқа магистрал линияси ишга туширилди. Республикамиздаги барча вилоят марказлари шу линия орқали рақамли алоқа билан таъминланди. Бу қимматбаҳо қурилмалар хорижий валюта эвазига чет эллардан келтирилган бўлиб, улар халқ хўжалигига, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу боис уларни муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эгадир. Бинобарин, алоқа иншоотларининг дахлсизлиги ва бенуқсон ишлашига эришиш зиммамизга алоҳида масъулият юклайди.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, тармоқда ўз ижросини кутиб турган муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунончи, кабелларни ўғирлаш ҳоллари кўпайиб бораётгани кишида жиддий ташвиш уйғотади. Бу қинғирликнинг жамиятимизга келтираётган моддий ва маънавий зарарини айтмай қўя қолайлик. Алоқа линияларидан ўғирланган кабеллардан олинаётган мис хомашёси қўшни давлатларга ёки ўзимиздаги айрим нопок кимсаларга сотилаётганлиги ҳам сир эмас.

Биргина жамиятимиз бўйича ўтган йили 18 та ана шундай ўғирлик ҳолатлари қайд этилди, бунинг оқибатида давлатга 9 миллион сўмлик зарар етказилди, шаҳарлараро алоқалар 108 соатга тўхтаб қолди. 2001 йилнинг биринчи чорагида эса 8 та ўғирлик содир этилган.

Бундай жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш борасида ички ишлар органлари билан биргаликда кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2000 йилда 10 дан ортиқ шахслар 6-12 йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Шунга қарамай, кабел воситаларини хуфиёна қирқиш ва ўғрилаш ҳолатлари барҳам топмаётир.

Кабелларни ўғирлаш жиноятлари Тошкент ва Сирдарё вилоятларида кўпроқ содир этилмоқда. Мис симли кабел линиялари ўта замонавий оптик-толали алоқа тизимлари билан ёнма-ён жойлаштирилган. Ачинарлиси шундаки, мис кабеллар билан бирга шиша толали кабеллар ҳам кесиб кетилмоқда. Ваҳоланки бу кабелларда рангли металл йўқ.

Масалан, Дмитрий Юн деган кимса 2001 йил 11 февраль куни тунги соат 2 ларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув шаҳарчасига келиб, кабел шохобчаси қудуғининг қопғоғини очади ва темир асбоб ёрдамида «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» ОАЖга тегишли Тошкент—Фарғона йўналишидаги шаҳарлараро оптик-толали алоқа магистрал линиясини кесади. Ушбу кабелда алюминий ёки мис бўлмагани сабабли кесилган кабелни ташлаб кетади. Натижада истеъмолчилар 3 соату 17 минут давомида алоқасиз қоладилар. Жамиятга 1464270 сўм миқдорида моддий зарар етказилади. Ушбу шахс ғаразли ниятини давом эттириб, 2001 йилнинг 10,21 март кунлари «Гулистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги симёғочга чиқиб, «Тошкент телеком» ОАЖ филиалига тегишли бўлган 250 ва 500 метрли телефон симини кесади, ўғирлик билан топган «моли»ни Қўйлиқ бозорида номаълум шахсларга пуллайди. Натижада акциядорлик жамиятига катта миқдорда моддий зарар етказади.

Қонун — барча учун баробар. Ўрта Чирчиқ тумани судининг 2001 йил 30 июлдаги ҳукмига асосан Д.Юннинг мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, унга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, «Shaharlararo aloqa korxonasi» ОАЖ фойдасига 1464270 сўм, «Тошкент Телеком» ОАЖнинг Тўйтепа филиали фойдасига 292852 сўм ундириш тўғрисида ажрим чиқарилди.

Тўғри, нафс балосига учраган кимсалар жазосини олаяптилар. Лекин улар ўз қилмишларидан тегишли хулоса чиқармаяптилар. Ҳолбуки, Президентимизнинг 1999 йил 5 февралдаги Фармонига биноан, республика ташқарисига рангли металл чиқиндиларини олиб чиқиш тақиқланган, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, божхона ва бошқа идораларга бундай ҳолнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилган. Шу ўринда яна бир нарсани эслатиб ўтиш жоиз. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 майдаги қарорига асосан, «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидлари»ни бузувчи кимсалар қонун олдида, албатта, жавоб берадилар. Хулоса шуки, қимматбаҳо алоқа каналлари, юзлаб метр масофага ётқизилган кабелларнинг ишламай қолиши ҳам алоқа ташкилотларига, ҳам сизу бизга, қолаверса, бутун жамиятимизга қимматга тушишини зинҳор эсдан чиқармаслик лозим.

**Зафар БОБОҚУЛОВ,**
**Ҳамидулла ХОЛМУҲАМЕДОВ,**
**«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти ходимлари.**

ХАЛҚ БАНКИ

ХАЛҚ БАНКИ
ОМОНАТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ БАНКИ

республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллиги байрамига бағишлаб жорий этилган

«Юбилей»

ютуқли омонати бўйича ютуқлар тиражи ўтказилишини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

*Тираж шу йил 6 октябрь куни соат 11.00да Халқ банки марказий идораси биносида бўлиб ўтади.*

Бизнинг манзил:
700096, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46-уй.
Телефонлар: 173-69-15, 173-69-16.

ХАЛҚ БАНКИ

4871




«Тошкент Ислом университети» нашриёти жамоаси нашриёт бош менежери Ҳусанбой Бўроновга онаси

**Маҳбубахон ая БЎРОНОВАнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2915, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

· МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.30*
1 2 3 4 5 6